

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМИЕВ АСРОРИДИН САЙФИДИНОВИЧ**

**МУҲАДДИС ОЛИМЛАР ИЛМИЙ МЕРОСЛАРИ ВОСИТАСИДА  
ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

<b>Самиев Асроридин Сайфидинович</b> Муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш.....	3
<b>Самиев Асроридин Сайфидинович</b> Совершенствование духовно-нравственного воспитания учащихся посредством научного наследия учёных хадисоведов.....	19
<b>Samiev Asroridin Sayfidinovich</b> Improving the spiritual and moral education of students through the scientific heritage of hadith scholars.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	48

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМИЕВ АСРОРИДИН САЙФИДИНОВИЧ**

**МУҲАДДИС ОЛИМЛАР ИЛМИЙ МЕРОСЛАРИ ВОСИТАСИДА  
ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.Phd/Ped773 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.terduz.uz](http://www.terduz.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Соҳибов Акрам Рустамович  
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 04 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111 Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, E-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz))


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (376) 221-74-55).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» 04 кун тарқатилди.  
(2021 йил «23» 04 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



  
И.Т.Чернев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
М.К. Бозорова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

  
Х.Ж.Худойкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тобора жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнлари фуқаролик жамиятини шакллантириш, маънавий-ахлоқий салоҳият, ақлий камолот фазилятлари ва дунёқарашга эга бўлган, умуминсоний қадриятларга садоқати шаклланган ёшларни вояга етказиш, уларни ижтимоий фаолликка, мафкуравий курашчанликка рағбатлантиришнинг педагогик ечимларини яратишни тақозо этмоқда. Шу боис ёшларни маънавий-ахлоқий дунёқарашини ривожлантиришнинг стратегик ва тактик мақсадларини белгилаш ва уларга эришиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, асл қадриятлар асосида шахс маънавияти ҳамда дунёқарашини шакллантириш ижтимоий-педагогик жиҳатдан долзарб вазифага айланди.

Жаҳонда ёшларга оид амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотларда миллий-маданий мерос, миллий анъана ва урф-одатлар, Исломи дини ва ҳадисшунос алломаларимизнинг ҳадис ғоялари асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Бу ўз навбатида ёшларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчаларини шакллантириш, жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларга ижтимоий фаол муносабатда бўлиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича истиқболли илмий йўналишларни амалга оширишга бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига, уларни ислом маданиятининг манбалари асосида миллий тарихий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби устувор йўналишларда кенг қамровли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «...Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш»<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий каби муҳаддис олимларнинг илмий асарларида инсоннинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий қарашларига оид жиҳатларидан ёш авлод маънавий тарбиясига татбиқ қилишнинг педагогик ечимларини асослаш, муҳаддис олимлар илмий меросидан, айниқса, хулқ, одоб-ахлоқни таъминлашга хизмат қиладиган касбий малака, ижтимоий-педагогик билимларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига илмий изланишларни кенг қамровли амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида. ПҚ-3160-сон. 2017 йил 28 июль. // Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 29-июль; [Электрон ресурс] <https://lex.uz/docs/4071203>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (мазкур қарорнинг III боб 10 бандида умумий ўрта таълим муассасаларининг I–XI синфлари учун «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари», «Динлар тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда «Тарбия» фани жорий этилди), 2018 йил 1 ноябрдаги 896-сон «Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 июлдаги 422-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари»нинг устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўқувчи ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида Ислом динининг тарихий илдизлари, Қуръони карим ҳамда ҳадис илмидан фойдаланиш уларни ўрганиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар, ёзилган асарларни таҳлил этишда хорижлик олимларнинг тадқиқотлари уч гуруҳга бўлинади: ислом дини тарихи, маданияти ривожланишининг назарий муаммолари; уни ривожлантиришга ҳисса қўшган шахслар тарихи, уларнинг қарашларини ўрганиш масалалари; исломий манбаларни таҳлил қилиш, изоҳлаш масалалари. Ушбу масалалар Ҳ. Вамбери, А. Ламменс, А. Мюллер, Т. Нельдеке, Х.С. Хюргронье, А.Ж. Арберри, М. Бубер, В. Дильтей, Т. Литт, Л. Массиньон, П. Наторп, Б. Радтке, А.Н. Уайтхед, Дж. Уэлтон, А. Фуйе, Ж. Адаме, Ж. Адамсон, К. Броккельман, И. Гольдциер тадқиқотларида ёритилган.

Ўқувчи ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида Ислом динининг тарихий илдизлари, Қуръони карим ҳамда ҳадис илмидан фойдаланиш хориж олимларидан И. Барт, Г. Бергштрессер, Ҳ. Вамбери, А. Ламменс, А. Мюллер, Т. Нельдеке, Х.С. Хюргронье, А.Ж. Арберри, М. Бубер,

В. Дильтей, Т. Литт, Л. Массиньон, П. Наторп, Б. Радтке, А.Н. Уайтхед, Дж. Уэлтон, А. Фуйе, А.Э. Шмидт, Э. Шпрангер, К. Ясперсларнинг тадқиқотларида ўз аксини турли хил йўналишда талқин этилганлиги манбалардан маълум.

МДХ мамлакатларининг олимлари томонидан ислом дини ва маданияти ҳамда ҳадис илмини ўрганиш бўйича В.В. Бартольд, В. Беляев, Е.Э. Бертельс, Д.Н. Богуславский, П. Грязнович, Ю.Ф. Крачковский, И.Ю. Крачковский, А. Массэ, Г.С. Саблукова, А.Ю. Якубовскийлар, ислом оламининг бой мероси: анъаналари, кадриятларини тадқиқ этиш масалалари билан Н.В. Бордовская, Г.Н. Волков, А.Н. Джурицкий, А. Долинина, А. Невольник, А.А. Реанлар, ислом оламининг номлари машҳур бўлган намояндalари, вакиллари, шахслари ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари Ю.Б. Вахтин, Л.И. Климович, Д.А. Кныш, А.А. Кононов, В.Ф. Панова, Е.А. Резванлар томонидан илмий ишлар амалга оширилган.

Ўрта Осиё ва шарқ давлатларида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини таржима қилиш, асарларига шарҳлар ёзиш, ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли тарихий маълумотларни ёритиш ишлари IX асрдан бошланиб илк фикрлар тарихчи олим (Имом ат-Термизий тўғрисида Имом ал-Бухорийнинг фикрлари) ибн Ҳожар ал-Асқоланий «Таҳзийб ат-таҳзийб» асарида, ўрта осийлик тарихчи олим Абу Саад Абдулкарим Ас-Самъоний (XII аср) асарида, араб тарихчиси Шамсиддин аз-Заҳабийнинг «Тазкират ул-хуффоъ» (XIII аср) асарида, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс» асарида ҳамда Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида билдирилган. Кейинги маълумотлар Ҳофиз Умар ибн Алак, Ибн ал-Асир, аз-Заҳабий, Ибн Касир, Нуриддин Атарнинг асарларида ўз аксини топган.

Ўқувчи шахсини ҳадислар воситасида маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантириш, қомусий олимларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини таҳлил этиш ва ўрганиш йўллариини излаш каби усуллар билан илмий педагогик муаммоларга аниқлик киритилди. Педагог олим Н. Ортиқовнинг тадқиқот ишида тарбия жараёнида ислом дини кадриятларидан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда ислом маданияти ва ҳадис илми таълим-тарбия назарияси асосларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этишда олимларимиз Ҳ. Кароматов, М. Кенжабек, Н. Комилов, шайх А. Мансур, шайх М.С. Муҳаммад Юсуф, С. Сайфуллоҳ, З. Ҳусниддинов, М. Позилова, К. Носиров; ислом маданиятининг ҳуқуқий масалаларини Ҳ. Бобоев, А.Ш. Жузжоний, А. Саидов, А. Ҳасанов; муҳаддислар ҳаёти ва ҳадисларни ўрганиш ҳамда тадқиқ этишда А. Абдуллоҳ, Ш. Бобохонов, С. Мамадалиев, О. Мусурмонова, Н. Мусаева; ислом дини ва алломалари тарихи, манбашунослик, этнография йўналишида С. Арифханова, З. Исломов, Ҳ. Обидов, У. Уватов, С. Турсунов, М. Хайруллаевлар томонидан амалга оширилган ишлар диққатга сазовор.



Муҳаддис олимлар илмий мерослари илмий жиҳатдан батафсил таҳлил этилиши билан биргаликда ҳали бу борадаги тадқиқотларни давом эттириш давр талаби ҳисобланади. Шунингдек, муҳаддис-олимлар илмий мероси воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш педагогика назариясини янада бойитади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-Ф1-002 «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** муҳаддис олимлар илмий мерослари асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муаммонинг тарихий-назарий ва педагогик шарт-шароитларини ўрганиш, муҳаддис олимлар илмий меросларининг педагогик жиҳатларини аниқлаштириш ҳамда тарбиявий аҳамиятини ёритиш;

муҳаддис олимлар илмий меросларининг назарий-тарихий манбаларини ва шу йўналишга қаратилган илмий-педагогик тадқиқот ишларини ўрганиш;

муҳаддис олимлар илмий меросларининг маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида тутган ўрнини аниқлаш;

муҳаддис олимлар илмий асарларида акс этган тарбиявий фикр ва қарашлардан фойдаланиб замонавий таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш жараёни белгиланиб тажриба-синов ишларига Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларидаги 8 та мактабнинг 500 нафар ўқувчиси жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб умумтаълим мактабларининг 5- ва 7- синфларида «Тарбия» фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш шакл, метод ва воситалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий ўрганиш ва таҳлил, кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест, тажриба-синов, мониторинг натижаларини математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим тизимида маънавий тарбияни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик имкониятлари муҳаддис олимлар илмий меросининг маънавий-ахлоқий тарбия компонентларини (когнитив, фаолиятга доир ва рефлексив) шакллантиришдаги таъсирга устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;



Ўқувчи ёшларни синфдан ташқари маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни муҳаддис олимларнинг илмий меросидаги маънавий-ахлоқий фазилатлар (Ватанга садоқат, иродалик, меҳр-оқибатлик, ҳуқуқий маданият, меҳнатсеварлик)ни камол топтиришга йўналтирилган таълим-тарбия босқичларини ажратиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари учун муҳаддис олимлар илмий меросидан фойдаланишга йўналтирилган илмий-педагогик ва методик таъминот касбий малака, ижтимоий-педагогик билимлар, умуминсоний кадрларнинг маданий хулқ ва одоб-ахлоқ элементларини ривожлантиришга боғлиқ хусусиятларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

Ўқувчиларда одоб-ахлоқ сифатларини (иймон, эътиқод, сабр, қаноат, муҳаббат, садоқат, самимият, адолат) оширишга йўналтирилган машғулотлар тузилмаси муҳаддис олимларнинг илмий меросидаги педагогик таъсир воситалари таркибини (ҳамкорлик, модулли, лойиҳаловчи, ривожлантирувчи, фаолиятли) аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга доир дидактик, методик ва таҳлилий таълим заҳиралари таъминоти такомиллаштирилган;

муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадида «Ҳадисларни ўрганамиз» номли тўғрақ ташкил қилиниб унинг методик-дидактик таъминоти ишлаб чиқилган; ҳадислар воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини ривожлантиришга доир тренинг ва методлардан фойдаланиш мажмуи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммога методологик, фалсафий, психологик, педагогик методик ёндашувларга ҳамда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини ривожлантиришга доир хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик методлар ёрдамида таҳлили, қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интерфаол таълим методлари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини ривожлантириш, муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича интерфаол таълим муҳитини яратишнинг ахборот-методик тизимини такомиллаштиришга

хамда ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълим тизимида маънавий тарбияни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик имкониятлари, муҳаддис олимлар илмий меросининг маънавий-ахлоқий тарбия компонентлари (когнитив, фаолиятга доир ва рефлексив), ўқувчи ёшларни синфдан ташқари маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни, муҳаддис олимларнинг илмий меросидаги маънавий-ахлоқий фазилятлар (Ватанга садоқат, иродалилик, меҳр-оқибатлилик, ҳуқуқий маданият, меҳнатсеварлик)ни камол топтиришга оид тавсиялар «Педагогик маҳорат» дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4438-сонли маълумотномаси). Натижада муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни такомиллаштирилган ва самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларда одоб-ахлоқ сифатларини (иймон, эътиқод, сабр, қаноат, муҳаббат, садоқат, самимият, адолат) оширишга йўналтирилган машғулотлар тузилмаси, муҳаддис олимларнинг илмий меросидаги педагогик таъсир воситалари таркибини (ҳамкорлик, модулли, лойиҳаловчи, ривожлантирувчи, фаолиятли) аниқлаштиришга оид хулоса ва таклифлардан бажарилиши 2017–2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-002 рақамли «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4438-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёни мазмун-моҳияти такомиллаштирилиб интерфаол таълим технологиялари ва методлари воситасида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун муҳаддис олимлар илмий меросидан фойдаланишга йўналтирилган илмий-педагогик ва методик таъминот, касбий малака, ижтимоий-педагогик билимлар, умуминсоний қадриятларнинг маданий хулқ ва одоб-ахлоқ элементларини ривожлантиришга боғлиқ хусусиятларига оид хулоса ва таклифлардан КА-1-0003 рақамли «Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш» номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4438-сон маълумотномаси). Натижада муҳаддис олимлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланган баркамол инсонни тарбиялаш мезонлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий-методик иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, 3 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг умумий ҳажми – 141 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Бугунги кунда ўқувчиларда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантириш инсон камолотининг асосини ташкил этади. Чунки маънавий-ахлоқий тарбия кишининг хатти-ҳаракатида, одобида, ички кечинмаларида ва, айниқса, инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатларида, ҳурмат қилишлари, билимлари, ҳис-туйғулари, хулқ-атворида, кундалик фаолиятида намоён бўлади.

Диссертациянинг «**Муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш педагогик муаммо эканлиги тавсифланиб муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

Маънавият баркамол инсонни тарбиялайди, шунингдек, ўқувчиларни ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатни қарор топтириш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишда энг олижаноб ишларда фаол қатнашишга ундайди. Чунки «Маънавият (арабча «маънолар мажмуи») – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуидир. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этадилар»<sup>1</sup>.

Маънавият инсоннинг фалсафий-ҳуқуқий, диний-ахлоқий тасаввурларини акс эттирувчи маънавий манба ҳисобланади, шунга асосан, у кишиларни бир-бирларига яқинлаштирадиган ва уларни ҳамжиҳатликка эришишга ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги қирраларини очадиган бойлик. Маънавият тарихимиз, кадриятларимиз асосини ташкил этиб

<sup>1</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Иккинчи нашри. – Тошкент: Шарк, 2000. – В. 144.

ёшларни маданий бойликларга ҳурмат-эътибор ва уларни янада ривожлантириш, келажакда иқтисодий тараққиёти кучли мамлакатни куришга ундаб, замонавий билимларни, юксак тажрибаларни эгаллашга чорлайди. Инсон маънавиятининг моҳияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий-амалий, мафкуравий фазилатларнинг яхлит тизими эканлигини унутмаслигимиз даркор. Ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, табиатни муҳофаза этиш, ҳар қандай шароитда она юрт маънавиятини, давлатимиз мустақиллигини кўллаб-қувватлаш, шарқона урф-одатларимизга, қонунларимизга, миллий кадриятларимизга ҳурмат билан қараш каби хислатларнинг ҳаммаси маънавият билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида ахлоқ билан ҳам боғланиб кетади.

Баркамол авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига асосий мезон бўлиб хизмат қиладиган омиллардан бири – бу Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони карим, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг ҳадислари ва шу қаторда ватандошларимиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Ал-Ҳаким ат-Термизий ва бошқа муҳаддисларнинг ривоят қилган ҳадислари.

Ҳадисларда «савоб» деб аталувчи маънавий-ахлоқий фазилатлар: иймон, ихлос, ибодат, ахлоқ-одоб, дўстлик, ота-она ва қариндошлар ҳуқуқига риоя қилиш, меҳр-оқибат, сабр-қаноат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф каби инсоний хислатларга даъват қилиш билан бирга «гуноҳ» деб аталувчи иллатлар: ширк, куфр, разолат, кибр-ҳаво, ҳасад, адоват, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм, дилозорлик каби жиҳатларга нафрат туйғулари кўзғатилади. Масалан: «Ўзингга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр» (27-ҳадис), «Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг. Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!» (36-ҳадис), «Қачонки бирор гуноҳ иш қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг!» (60-ҳадис), «Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш – бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардан. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетиш эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир» (71-ҳадис), «Иймоннинг афзали – сабр ва кенг қалбли бўлиш», «Садақани эрта тонгда бер, балони ерга тушмай қайтаради» (59-ҳадис), «Мусулмонга очик кўнгил билан таом берган кишига Аллоҳ таоло минг-минг савоб ёзади, минг-минг гуноҳни ўчиради ва даражасини минг баробар кўтаради» (47-ҳадис), «Енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар» (634-ҳадис)<sup>1</sup>.

Ҳадислар инсонларнинг хулқ-атворини, ахлоқ-одобини, хатти-ҳаракатини, юриш-туришини тартибга солиб уларни ижобий аҳамият касб этишга йўналтиради.

<sup>1</sup> Изох: Ҳадислардан келтирилган намуналар: Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, – Тошкент: Фан, 1990; Муҳаммад пайғамбар қиссаси. – Тошкент: Чўлпон, 1992; Пайғамбаримизнинг Ҳазрати Алига насихатлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. манбаларидан олинди.

Диссертациянинг «Муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари» номли иккинчи бобида «Тарбия» фанини ўқитишда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологиялари, термизлик муҳаддис олимлар илмий мероси воситасида ўқувчиларни синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни ҳамда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг психологик-педагогик хусусиятлари каби масалалар ёритилган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфида «Тарбия» фанини ўқитиш жараёнида «Мен ва менинг аجدодларим», «Хулқ-атвор қоидалари ҳаёт тарзи», «Меросимиз – фаҳримиз», «Миллий анъана ва қадриятларимиз», 7-синфда «Инсон ахлоқи билан гўзал», «Инсон одобида акс этувчи феъл-атвор», «Инсонларни бирлаштирувчи умуминсоний хислатлар» каби мавзуларни ўтаётганда ўқувчиларда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий мазмуни билан танишар эканмиз, баркамол шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, унга ахлоқ ҳақида тушунча бериш, ахлоқий тушунчалар: савоб-гуноҳ, увол қабиларни таснифлаш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, болаларда шахсга нисбатан очиқ кўнгиллик, меҳрибонлик, ғамхўрлик, диққат-эътибор, яхши муносабат ва муомала, ўртоқлик ва дўстлик тарбияси, онгли интизом ва интизомлиликни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маданиятлиги, маънавий дунёқарашларини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий йўналишлари: Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик, миллий ғурур, биродарлик, қон-қариндошлик ҳис-туйғуларини таркиб топтириш; маънавий маданиятнинг асоси ҳисобланган «Ҳадис»лар, халқ педагогикаси намуналаридан фойдаланиш; маънавий-ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришда маънавий-эстетик воситаларнинг ўрни, соғлом авлод тарбиясида жисмоний, экологик маданиятни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда «Тарбия» фанида ўқитишнинг интерфаол методлари: «Ақлий ҳужум», «Мунозара», «Қора кути», «Танқидий фикрлаш», «Кластер», «Кичик гуруҳларда ишлаш» қабилардан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари ҳақида маълумот бериб улар ёрдамида мустақил ва ижодий фикрлаш, ўз манфаатларини халқ ва Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш, тадбиркорлик, ишбилармонлик каби хислатларни ўзида тарбиялаш ўқувчилар онгига етказилади. Бу ўз навбатида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий дунёқарашнинг шаклланишига ёрдам беради.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда таълим-тарбиянинг асосий шакли ҳисобланган дарс барча вазифаларни тўла еча олмайди. Шунинг учун ўқувчиларнинг ишончи, эътиқоди, дунёқарашини, уларни маънавий-ахлоқий шакллантиришда маънавий-маърифий ишлар (тадбирлар) ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу тадбирлар ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ҳамда улар маънавий дунёсини шакллантириш билан

биргаликда дарсда олган билимларини чуқурлаштириш, уларни эътиқод, ишончга айлантиришда муҳим воситадир.

Таълим муассасида тарбиявий ишлар тизимини моделлаштириш зарурки, модель тарбиявий жараён ҳақидаги билимларни маълум тартибга келтиради, унинг таркибий қисмлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Шундан келиб қилиб, муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).


Маънавий-маърифий тадбирлар маърузалар, суҳбатлар, китобхонлар конференциялари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар, танловлар, спорт мусобақалари, театрлаштирилган кечалар, саёҳатлар, тўғараклар каби шаклларда ташкил қилинади. Буни тажриба-синов ишларини олиб борилган Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятдан ҳам билса бўлади. Масалан, Термиз шаҳридаги 11- ва 13-умумтаълим мактабларида «Ҳадисларни ўрганамиз», «Термизлик буюк муҳаддислар ҳаёти ва ижоди – фаолиятимиз мезони» номли тадбирлар, «Тарбия ҳар нарсадан улуғ» номли адабий-бадиий ҳадисхонлик кечаси, Бухоро шаҳридаги 1- ва 30-умумтаълим мактабларида «Ҳадисларда илм олиш ҳақида» номли мунозара, «Буюк муҳаддислар авлодимиз» номли адабий-бадиий кеча, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 9-мактабда «Келажаги буюк юрт фарзандларимиз», «Ҳадисларда ота-она хурмати» мавзусида суҳбат ва мунозаралар фикримиз далили ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими ҳамда педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқлашда олти балли шкаладан фойдаландик. Бунда +1, +2, +3 кабилар ўқувчининг маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражаларини, -1, -2, -3 эса маънавий-ахлоқий тарбияланмаганлигини белгилашда қўлланилди. Сифат жиҳатдан баҳолаш билан сон жиҳатдан баҳолаш қуйидагича уйғунлаштирилди: масалан, юқори даражада маънавий-ахлоқий сифатлар ҳар томонлама шаклланган ўқувчига +3, маънавий-ахлоқий сифатлар бирмунча ривожланган, лекин уларнинг хатти-ҳаракатларида бу хислатлар барқарор бўлмаса, +2, маънавий-ахлоқий сифатлар суст ривожланган, бошлаган ишини охирига етказишда сусткашлик қилса, +1 билан белгиланди. Ёки салбий хатти-ҳаракатларга мойиллик сезиладиган ўқувчига -1, салбий хатти-ҳаракатлар қилишга интиладиган ўқувчига -2, хулқида салбий хатти-ҳаракатлар намоён бўладиган ўқувчига -3 балл белгиланди. Лекин ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларини баҳолашда шахснинг алоҳида хислатлари эмас, балки умумижтимоий йўналганлиги назарда тутилди. Бу эса улар тарбиясини мотивлаштириш – рағбат билан боғлиқ.

Тадқиқот жараёнида илгари сурилган назарий фикрларни тажриба-синов жараёнида синаб кўриш мақсадида дастлабки таъкидловчи тажриба-синов олиб борилган методикадан фойдаланилган ҳолда якуний натижалар

## Муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш модели



**1-расм. Муҳаддис олимлар илмий мерослари воситасида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни такомиллаштириш модели**



аниқланди ва олинган маълумотлар дастлабкилари билан қиёсланди. Тадқиқотнинг якунловчи тажриба-синов натижаларида назорат синфларида 230 нафар, тажриба синфларида 270 нафар ўқувчи қатнашди.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари бўйича олинган якуний натижаларга асосланган ҳолда математик статистика методи қўлланилди. Тажриба-синов ишлари тажриба ва синов гуруҳларида 500 нафар ўқувчида педагогик таълим жараёнида маънавий-ахлоқий тарбияланганлиги бўйича ўтказилди.

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган. Улар қуйидагича:

1-жадвал

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба	270	98	151	21
Назорат	230	42	104	84


Олинган маълумотлар Стъюдент-Фишер мезони асосида математик-статистик метод ёрдамида таҳлил қилинди.

Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1-ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма       $X_i$ :    юқори;      ўрта;      қуйи;  
 (тажриба синфи)  $n_i$ :    98;        151;      21  
 $m=270$ .

2-танланма       $Y_j$     юқори;      ўрта;      қуйи;  
 (назорат синфи)  $n_j$     42;        104;      84.  
 $n=230$ .

Бу танланмаларга мос келган полигонларни чизамиз:



Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонлари қийматининг бирдан катталиги ва билиш даражаларини баҳолаш мезонлари қийматининг нолдан катталигини кўриш мумкин. Бу эса тажриба гуруҳи назорат гуруҳидагилардан юқори эканлигини кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. Миллий қадриятларимиз асосида ўқувчиларни вояга етказиш, уларга жаҳон андозаларига мос технологиялар асосида таълим бериш билан бирга маънавий-ахлоқий тарбиялашни кучайтириш тақозо этиши аниқланди. Жамият тараққиёти ва шахс камолотида маънавиятнинг ижобий таъсир этиши натижасида инсоннинг барча ижобий сифатлари, хулқ-одоб, эътиқоди, ақл-заковати, мафкуравий қарашларини узвий боғланган ҳолда ахлоқ билан уйғунлашиб «маънавий-ахлоқий тарбия»ни ташкил этиши изоҳланди.

2. Муҳаддис олимлар илмий мероси муҳим тарбия воситасига айланганлиги ҳамда тарбиянинг ғоявийлиги ва мақсадга йўналтирилганлиги қонуниятига амал қилиши билан шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашга таъсир этиши аниқланди.

3. Ўзбек халқининг бой маънавий ва ақлий мероси ҳисобланган ҳадис илми ёш авлод онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар сифатида маънавий-ахлоқий қарашларни шакллантириш, мустақиллик мафкурасини қарор топтиришда асосий манба ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий тарбия илдизлари қадим-қадимларга бориб тақалиши, таълим-тарбия тараққиёти жараёнида маънавий-ахлоқий тарбия такомиллашиб бориши исботланди.

4. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг интеллектуал ва маданий савиясини кўтаришда, уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутди. Чунки болаларда, шу жумладан, ўрта ва юқори синф ўқувчиларида юз берадиган физиологик, руҳий, ижтимоий ўзгаришлар уларнинг ўз-ўзини англаши орқали маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжни юксалтиради. Шу жиҳатдан ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда уларнинг ўзига хос хусусиятларига амал қилиш зарурлиги аниқланди.

5. Маънавий-ахлоқий тарбияда ҳадислардан унумли фойдаланиш унинг самарадорлигини оширади. Бу, биринчидан, ҳиссиётга йўналтирилган ҳодисалар, иккинчидан, интеллект билан боғлиқ бўлган ҳолатлар, учинчидан, иродага йўналтирилган фаолият билан белгиланиши ва маънавий-ахлоқий тарбия усуллари билан биргаликда уларни янада кучайтириши изоҳланди.

6. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда «Тарбия» фанининг имконияти кенглиги, ўқитувчилар бу борада методик жиҳатдан таъминланганлиги, илғор педагогик технологиялар билан қуролланганлиги катта аҳамият касб этиши асосланди.

7. Таълим-тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқувчиларнинг қизиқишлари, билим даражаларини ҳисобга олган ҳолда, ишбоп ўйинлар, мусобақа дарслари, интеллектуал ринг, сахналаштирилган машғулотлар, кичик гуруҳларда ишлаш, ижодкорлар

танловлари, «қувноқлар ва зукколар», дебат, «айлана стол», баҳс-мунозаралар, матбуот конференциялари, ҳадисшунослик кечалари, «мўъжизалар майдони», саёҳат дарслари, китобхонлар конференциялари каби маънавий-маърифий ишлар самарали натижаларга олиб келиши исботланди.

8. Умумтаълим мактабларида амалга оширилган тадқиқот натижалари маънавий-ахлоқий тарбиянинг тизимли ташкил этилиши ўқувчида маънавий-ахлоқий билим, тасаввур, эътиқодни ривожланишига олиб келиши аниқланди.

Тадқиқот натижалари қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** ишлаб чиқиш имконини берди:

ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий тўплаган ҳадислар, Нақшбандия таълимоти, Яссавий ҳикматларидан кенг қамровда фойдаланиш;

маънавият соатлари, ахборот соатларини ташкил этиш ва ўтказишда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг самараси, дунё воқеалари билан таништириш билан бир қаторда ҳадислардан ўринли ва самарали фойдаланиш;

ўқувчиларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» тамойили асосида «Ватанпарвар ёшлар қандай бўлишлари керак?», «Ҳадислар – эзгулик майдони», «Муҳаддис олимлар меросларини ўрганамиз» мавзуларида маданий-оммавий тадбирлар: мулоқотлар, телекўрсатувлар, баҳс-мунозара, мушоира, кўрик-танловларни мунтазам ўтказиб бориш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.PeD.78.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**САМИЕВ АСРОРИДИН САЙФИДИНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО  
ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ ПОСРЕДСТВОМ НАУЧНЫХ  
НАСЛЕДИЙ УЧЁНЫХ ХАДИСОВЕДОВ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Термез – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.1.PhD/Ped 773.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tctsu.uz](http://www.tctsu.uz)) и в информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:** Олимов Ширинбой Шарофович  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Рузиева Дилноз Исомжоновна  
доктор педагогических наук, профессор

Сохибов Акрам Рустамович  
кандидат педагогических наук, доцент


**Ведущая организация:** Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится 30.04 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03\_30.12.2019.Ped.78.03 при Термезском государственном университете (Адрес: 190111, город Термез, ул. Баркамол авлод, 43, тел: (376) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном Центре Термезского государственного университета (зарегистрирована за № 18 ) Адрес: 190111, город Термез, ул. Баркамол авлод, 43 тел: (376) 221-74-55

Автореферат диссертации разослан « 23 » 04 2021 года.  
Протокол рассылки № 3 « 23 » 04 2021 года.



  
**И.Т. Чориев**  
председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.п.н., профессор

  
**М.К. Бозорова**  
Учёный секретарь  
научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
к.п.н., доцент

  
**Х.Ж. Худайкулов**  
председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.п.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Постепенно усиливающиеся процессы глобализации в мире, формирование гражданского общества, воспитание молодёжи, формирование преданности общечеловеческим ценностям, имеющие качества интеллектуального совершенства и мировоззрения, а так же духовно-нравственный потенциал предполагает создание педагогических решений, которые стимулируют к социальной активности и идеологической борьбе. По этой причине установление стратегических и тактических целей развития духовно-нравственного мировоззрения молодёжи, и для их достижения осуществления системной работы, формирование духовности и мировоззрения личности на основе истинных ценностей стало актуальной задачей с социально-педагогической точки зрения.

В структуре научных исследований, осуществляемых среди молодёжи во всём мире, исследования, направленные на их духовно-нравственное воспитание имеют важное значение. Также, в проводимых исследованиях ведущую роль играют вопросы духовно-нравственного воспитания молодёжи на основе национально-культурного наследия, национальных традиции и обычаев, Исламской религии и идей мыслителей Хадисоведов. Это в свою очередь осуществляется в непосредственной связи с реализацией перспективных научных направлений по формированию философских, правовых, научных, художественных, нравственных, религиозных, представлений и понятий у молодёжи, развитию навыков активного социального взаимодействия с событиями и явлениями в обществе.

На сегодняшний день в нашей стране на основе источников исламской культуры осуществляются ширококомаштабные работы по приоритетным направлениям, как физическое, умственное и нравственное совершенствование молодого поколения, воспитание их в духе уважения к нашему национальному историческому наследию, национальным и общечеловеческим ценностям. Уместно отметить, что здесь определены приоритетные задачи «По сохранению исторического наследия, обычаев и традиции национального воспитания нашего народа, разработаны меры по укреплению атмосферы толерантности, межнационального согласия и взаимного уважения среди широких слоёв населения, особенно среди молодёжи».

В связи с этим в научных трудах таких учёных Имам Исмаил ал-Бухарий, Имам Абу Исо ат-Термизи и Ал-Хаким ат-Термизи широко освещены такие проблемы как обоснование педагогических решений и их внедрение в духовное воспитание молодёжи, которые относятся к духовно-нравственным качествам и воспитательным взглядам воспитания человека, из научных наследии учёных хадисоведом, особенно, по обеспечению достойного поведения, которые заслуживают особого внимания –это научные исследования по выявлению профессионального мастерства,

социально-педагогических знаний, где отдельно уделяется внимание духовно-нравственному воспитанию.

Данная диссертационная работа в определённой степени послужит в реализации задач, установленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП- 5812 от 6 сентября 2019 года «О дополнительных мерах дальнейшего совершенствования системы профессионального образования», Постановлениях № ПП-3160 от 28 июля 2017 года «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно- просветительской работы и развития сферы», №ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах повышения эффективности духовно- просветительской работы», № 1059 от 31 декабря 2019 года Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по реализации и утверждения концепции непрерывного воспитания» (в III главе 10 пункта для 1–11 классов общеобразовательных учреждениях внедрён предмет «Воспитания» с объединением дисциплин «Поведение», «Патриотизм», «Основы идеи национальной независимости и духовности», «История религии», № 896 от 1 ноября 2018 года «О мерах создания и поддержки деятельности Школы Хадиса, № 422 от 6 июля 2020 года «О мерах поэтапного внедрения в практику дисциплины «Воспитание» в общеобразовательных учреждениях» и других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

#### **Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.**

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В духовно-нравственном воспитании учащейся-молодёжи, проведённые научные исследования по изучению и использованию исторических корней исламской религии и Корана, а также при изучении науки о хадисах и анализа письменных произведений исследования зарубежных учёных подразделяются на три группы: теоретические проблемы развития истории, культуры исламской религии; проблемы изучения истории личностей и их взглядов, внёвшие вклад в его развитие; вопросы анализа и комментарии источников исламского характера.

Вышеуказанные вопросы освещены в исследованиях И. Барта, Г. Бергштрессера, Х. Вамбери, А. Ламменса, А. Мюллера, Т. Нельдеке, Х.С. Хюргрона, научные произведения которых посвящены теоретическим проблемам развития истории и культуры исламской религии; ко второй группе относятся учёные А.Ж. Арберри, М. Бубер, В. Дильтей, Т. Литт, Л. Массиньон, П. Наторп, Б. Радтке, А.Н. Уайтхед, Дж. Уэлтон, А. Фуйе, А.Э. Шмидт, Э. Шпрянгер, К. Ясперс, научные труды которых посвящены



проблемам изучения истории личностей и их взглядов, внёвшие огромный вклад в развитие исламской религии; третья группа учёных Ж. Адаме, Ж. Адамсон, К. Броккельман, И. Гольдциер.

Использование исторических корней Исламской религии, Корана Хадисоведения в духовно-нравственном воспитании учащейся- молодёжи нашли своё отражение в исследованиях зарубежных учёных Р. Раск, Ж.П. Сартр, М. Франций.

Если по изучению исламской религии и культуры, а также учения хадисоведения учёными стран СНГ занимались В.В. Бартольд, В. Беляев, Е.Э. Бертельс, Д.Н. Богоуславский, П. Грязнович, Ю.Ф. Крачковский, И.Ю. Крачковский, А. Массе, Г.С. Саблукова, А.Ю. Якубовский, вопросами исследования богатой исламской религии, изучением традиций и ценностей занимались Н.В. Бордовская, Г.Н. Волков, А.Н. Джурицкий, А. Долинина, А. Невольник, А.А. Реанн, научные труды, посвящённые изучению жизни и деятельности учёных представителей, личностей исламского мира были осуществлены Ю.Б. Вахтиным, Л.И. Климовичем, Д.А. Кнышем, А.А. Кононовым, В.Ф. Пановой, Е.А. Резваном.

Именно в странах Азии, начиная с IX века начались переводы произведений Имама ал-Бухарий, Имама ат-Термези и Ал-Хакима ат-Термези, писались комментарии к произведениям, освещались ценные исторические сведения о жизни и деятельности учёных, также ранние взгляды об учёном Имаме ат-Термези отражены в произведениях Имама Бухари, ибн Хожар ал-Асколани «Тахзийб ат-тахзийб», в произведении учёного-историка Средней Азии Абу Саад Абдулкарим Ас-Самъоний (XII век), арабского историка Шамсиддина аз-Захабийя «Тазкират ул Хуффоз» (XIII век), в произведении основателя узбекской поэзии Алишера Навои «Насойим ул мухаббат мин шамойим ул футувват», в произведении Абдурахмана Джамии «Нафахот ул унс мин хазарот ил кудс», Фаридиддина Аттора «Тазкират ул-авлиё». Последующие сведения нашли своё отражение в произведениях Хофиза Умар ибн Алак, Ибн ул-Асир, Аз-Захабий, Ибн Касир, Нуриддина Атара.

